



O'ZBEKISTON O'VOZI

2016-yil, 15-noyabr. Seshanba 136 (32.195)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Очиқ ва ошкора электрон савдолар кенгайиши, давлат харидларини амалга ошириш тизими такомиллашиши тарафдори бўлсангиз, Президент сайловида Хатамжон Кетмоновга овоз беринг!



ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов жиззахлик сайловчилар билан учрашди. Бугунги сайловчи ҳуқуқий маданияти юксалгани, сиёсий фаоллиги ошгани билан кечаги сайловчидан фарқ қилади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг жиззахлик сайловчилар билан учрашуви ҳам бунини яққол тасдиқлади.

САЙЛОВ – 2016

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР

сайловолди ташвиқотининг юқори савияда ўтишида муҳим ўрин тутди

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президент сайловининг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан ҳар томонлама самарали учрашувлар ўтказяпти.

Хўш, ишончли вакил институтининг сайлов жараёнидаги ўрни қандай? Унинг вазифалари ва мажбуриятлари нималардан иборат? Бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси қандай? Мазкур саволларга ойдинлик киритиш мақсадида депутатлар, ҳуқуқшунос-экспертларга мурожаат қилдик.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида кекса авлод вакиллари ва меҳнат фахрийларининг сайлов жараёнидаги ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиб келинаётганлигини таъкидлади.

НУРОНИЙЛАР ФАОЛ ҚАТНАШАДИ

Мамлакатимизда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, оила ва жамиятда, ёшлар тарбиясида ёши улуг инсонларнинг ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу жараёнда кекса авлод вакиллари ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунириш ишлари олиб борилаётганлиги қайд этилди.

А.КИЁСОВА,
ЎзА мухбири.

Сайлов участкалари шай ҳолатга келтирилмоқда

Юртимизда Президент сайловида ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов участкалари фаолияти белгиланган тартибда зарур жиҳозлар, техник восита ва услубий қўлланмалар билан таъминланмоқда.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 497-сайлов участкасида 1948 нафар фуқаро сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча шароит яратилмоқда.

— Бу йилги сайловда участкамиз ҳудудидан 31 нафар ёш биринчи марта овоз



берилади, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Отамурад Мўминов. — Айни кунларда сайловчиларнинг сайлов қонунчилиги бо-

расидаги билимини ошириш, уларга сайловга оид маълумотларни етказиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Номзодлар ҳа-

қидаги барча маълумот ва ахборотлар қўринарли жойларга осиб қўйилган.

Ўз мухбири.

АНЖУМАН

Аҳоли турмуш шароитларини баҳолаш, тиббий ижтимоий муаммоларни аниқлаш, аёллар ҳамда болаларни тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган кам таъминланган оилаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, соғлом оилани шакллантириш мақсадлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш тиббий-ижтимоий патронаж тизими ходимлари зиммасидаги энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ПАТРОНАЖ

тизимининг йигирма йиллигига бағишланди

Ушбу тизимнинг ташкил топишига 20 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳридаги Халқаро бизнес марказида «Соғлом авлод — юрт келажиги» мавзусида конференция ўтказилди. Унда республикаимизнинг барча минтақаларидан келган тиббий-ижтимоий патронаж тизими фахрийлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш ва Мудофаа вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилишича, 20 йил давомида кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан 4 миллион нафардан ортиқ аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган. Биргина 2016 йилнинг шу даврига қадар республика миқёсида 3000 дан зиёд оилалар мурувват ёрдамлари етказиб берилди. 1323 нафар фуқарога мурожаати бўйича кўмак кўрсатилди.

— Ўзбекистонда тиббий-ижтимоий патронаж тизими фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида фондимиз томонидан тиббий-ижтимоий марказ (ТИМ) ташкил этилган, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси Светлана Инамова. — Мазкур марказнинг иш фаолияти 3 босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагича: оилалар аҳолини ҳар томонлама ўрганиб, гуруҳларга ажратиш; оиланинг умумий ҳолатини яхшилаш мақсадида чора-тадбирларни амалга ошириш; тиббий-ижтимоий патронажнинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда туман, вилоятлар ва республика миқёсида ўсиб келаётган ёш авлоднинг тиббий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий тарбиялашга ёрдам беришдир. Бугунги кунда фонднинг тиббий-ижтимоий патронажи 14 кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари орқали амалга оширилмоқда. Барча бригадалар замонавий автоамбуланслар билан таъминланган. Шундан 10 таси ТИКА халқаро ташкилоти томонидан тақдим этилган «Mercedes-Benz» русумидаги автоамбуланслардир. Ушбу автоамбуланслар энг замонавий диагностик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Конференция давомида фармацевтик компаниялар томонидан кўرғазма ташкил этилди. Шунингдек, тиббий-ижтимоий патронаж тизимида фаолият кўрсатган фахрийлар ва бугунги кунда ўзининг фаоллиги билан намуна бўлган ходимларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Шаҳбоз САИДОВ

БИЗНИНГ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИНГ

«Халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилгани учун номзоднинг Сайловолди дастури менга маъқул бўлди»...

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов жиззахлик сайловчилар билан учрашди

«Жиззах» эркин иқтисодий зонаси дирекциясининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган талбирни партия фаоли, вилоят Кенгаши депутати Қуроқбой Эргашев очди. У бўлажак сайловнинг мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, унга пухта тайёргарлик кўриш, юқори савияда ўтказишнинг зарурати ҳақида тўхталди.

Номзоднинг ишончли вакили Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Носиржон Сиддиқов йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти билан таништирди.

Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича долзарб масалалар илгари сурилаётганини таъкидлади.

— Дастур Ўзбекистон ХДПнинг асосий гоя ҳамда мақсаллари билан ҳамоҳанг эканлигига эътиборингизни қаратмоқчиман, — деди у. — Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг парламентдаги кўпчилиги — Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат, деб эълон қилгани ҳамда бу борада илгари сурилган қатор қарарларга асосланган. Жумладан, бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши



устидан қатъий назорат ўрнатиш, давлатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларини аҳоли қатламлари, жумладан, кам таъминланганларнинг турмуш даражасини яхшилашга йўналтириш лозим, деб биламан.

Замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш билан бандлигини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим. Шунингдек, имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий ҳаётга тўлақонли равишда қўшилиши учун уларга қулай муҳит, шарт-шароитлар яратиб берилиши тарафдориман.

Коммунал тўловлар, товар ва

махсулотлар баҳоси, уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллиги, давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинган маблағларнинг бир қисmini турар-жой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш, таълим тизимини, соғлиқни сақлаш, дори-дармон тақсимотида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига маълум даражада имтиёзлар берилиши ҳақида ҳам ўйлаб кўрадиган вақт келди, деб ҳисоблайман.

Иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари, корхоналар тизимида «ўрта корхона» тушунчасини шакллантириш, суд қарорлари ижроси устидан назоратни кучайтириш масалалари ҳам жуда долзарбдир.

Йиғилганлар номзоднинг

Сайловолди дастурида белгиланган шу ва бошқа вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди, таклифлар айтилди.

— Халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилгани учун ҳам номзоднинг Сайловолди дастури менга маъқул бўлди, — деди Жиззах уй-жой, коммунал хўжалик касб-хўнаар коллежи директори, шаҳар Кенгаши депутати Бахтиёр Ибодов. — Айниқса, ундаги коммунал соҳадаги ислохотларни янада такомиллаштириш, имконияти чекланган фуқароларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш билан боғлиқ таклифларни қўллаб-қувватлайман. Маҳалламизда, ён-атрофимизда бундай кишиларни учратамиз.

Кўпчилигининг қобилияти, ишлашга, меҳнат қилишга иштиёқи бор. Номзоднинг уларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги гоялари ҳар томонлама мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

— Учрашувимиз «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига ўтаётганида ҳам ўзига хос маъно бор, — деди Жиззах политехника институти ўқитувчиси Парда Шукров. — Ҳудуд 42 замонавий корхонани ўз ичига олади. Бугун шуларнинг 10 дан зиёди фаолият кўрсатишга ва уларга юзлаб ёшлар меҳнат қилишмоқда. Бу бандлик, фаровонлик, дегани. Номзоднинг Сайловолди дастурини диққат билан тингладим. Унда илгари сурилган гоялар, хусусан, «истеъмол саватчаси» билан боғлиқ тушунчалар, давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисmini уй-жойлар нархини пасайтиришга йўналтириш ҳақидаги қарарларга мен ҳам хайрихоҳман.

Учрашувда, шунингдек, Жиззах туманидаги 2-оилавий поликлиника шифокори Қарнигул Хайдарова, Жиззах транспорт ва алоқа касб-хўнаар коллежи ўқитувчиси Акбар Носиров, Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Ҳалима Насматова сўзга чиқиб, номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлашди.

Президентликка номзод сайловчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб берди ва уларни сайловда фаол қатнашишга чақирди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Аҳоли бандлиги таъминланса,

ижтимоий ҳимоя кафолати
муштаҳкам бўлади

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ўз муштаҳли ишини бошлашга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одамлар меҳнат қилиши ва яхши ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароит бериш, унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга қўмаклашиш аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида устувор тамойил этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ҳар йили бандлик дастури қабул қилиниб, унинг ижросига жиддий эътибор бериляпти.

Бу Ўзбекистон ХДП електорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шарт-шароитларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган кишилар манфаатларига хизмат қилади. Демак, бандлигини таъминлашнинг янги имкониятларини очиб буйича амалий таклифларни илгари суриш ва улар ҳаётга татбиқ этилиши учун барча куч ва имкониятларни бирлаштириш, курашиш муҳимдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, партия Марказий Кенгаши ходимлари шу йилнинг 28 октябрыда тасдиқланган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури бўйича парламент назоратини амалга ошириш масалаларини кенг муҳокама этишди.



Таъкидланганидек, 2017 йилга мўлжалланган дастур параметрлари олдинги йилга нисбатан мақбуллаштирилган. Унда ҳудудлар ва корхоналарнинг реал имкониятлари ҳисобга олинган. Масалан, туман ва шаҳарларда кичик саноат ҳудудларини ташкил этиш, қурилиш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳисобида иш ўринлари яратиш йўналишлари кенгайтирилган.

Фракция аъзолари дастур ижроси устидан олиб бориладиган назорат тадбирларини масъул кўмига билан биргаликда изчил давом эттириш, уларнинг натижаларини жойларда чуқур муҳокама этиш кераклигини таъкидлашди.

— Мазкур дастур нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, балки мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлиқни муштаҳамлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров. — Фракциямиз ташаббуси билан жорий йилга мўлжалланган бандлик дастурининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги ижроси ўрганилиши ҳамда уларнинг натижалари кўмитамизнинг мазкур ҳудудларда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисларида кўриб чиқилди. Шунингдек, Меҳнат вазирининг дастурининг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Шу асосда ҳато ва камчиликларни вақтида бартараф этиш, келгусида дастурни янада такомиллаштириш чоралари белгиланди. Бу эса ҳукуматнинг аҳолини иш билан таъминлашга оид фаолияти устидан парламент назорати кучайётганини кўрсатади.

ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикрича, дастур тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш ҳамда инвестиция дастурлари билан, энг муҳими, минглаб ёшлар, аёллар тақдир билан узвий боғлиқ. Шу боис унинг ижроси парламент кўми палатасининг кўмиталарида, барча фракцияларда (депутатлик гуруҳлари) атрофда кўриб чиқиш лозим. Парламент назорати изчиллигида бунинг аҳамияти катта.

Йиғилишда фракция аъзолари тегишли давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда дастур ижросини мониторинг қилишга доир ишларни янада кучайтириш бўйича таклифлар билдиришди.

Шунингдек, 2017 йилда аҳоли бандлиги дастури ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича фракциямиз позицияси ишлаб чиқилди, назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланган олинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ САЙЛОВ – 2016

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР

сайловолди ташвиқотининг юқори савияда ўтишида
муҳим ўрин тутади

Гулчеҳра Тўлаганова,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
экспертлар гуруҳи
аъзоси, юридик фанлар
доктори:

— Аввало, шунинг таъкидлаш керакки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, 2003 ҳамда 2008 йилларда Конституциямиз ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонунга киритилган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашуви, сайловларнинг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ мутлақ ваколатлар Марказий сайлов комиссиясига берилган.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ишончли

вакилларининг ҳуқуқий макрими муштаҳамланган.

Унга қўра, Президентликка номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир.

Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Ўзбекистон Республикасининг Президентини этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига қўра ишончли вакилларни Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади ҳамда уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирор-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгиланган. Шу боис ишончли вакиллар фақат қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланиши талаб этилади.

Бунёджон ЭШОНКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари Президентликка номзод но-

мидан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари таъшиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши таъқиқланади.

Шунингдек, овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида ҳамда овоз бериш кунини жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогноزلарини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, агар сиёсий партия у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолга-

нида бекор қилса ёки Президентликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ёхуд номзод сайловга кечи билан етти кун қолганда номзодликдан воз кечса, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига номзодлик макомидан маҳрум этилиши мумкин.

Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ҳам ваколатларини соқит қилади. Яъни, Марказий сайлов комиссияси ишончли вакилларнинг ваколатларини бекор қилиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Хўшвақт ХАЙИТОВ,
ТДЮУ катта ўқитувчиси, юридик
фанлар номзоди:

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ишончли вакилларнинг асосий вазифаси номзодни қўллаб-қувватлаган ҳолда сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳисобланади.

Сайлов кунини Президентликка номзодни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар ва

ташвиқот олиб бориш қонун билан тақиқланади. Ушбу норма мазмунидан шунини тушуниш мумкинки, номзоднинг ишончли вакиллари ўз фаолиятларини сайлов кунини тўхтатади.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари сайлов кунини сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар қатори ўзининг Конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаради.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
хуқуқшунос:

— Ишончли вакил институтидан дунё таърибисидан қандай фойдаланилади, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, ўзига хос ҳолатларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мисол учун, Францияда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Президентликка номзодларни рўйхатга олишни эса Конституциявий кенгаш бажаради. Яъни, ушбу кенгаш марказий сайлов комиссияси вазифасини ўтайди. Мазкур давлат қончилигида Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳақида аниқ норма муштаҳамланмаган.

Россия федерациясида Президент сайловларида ишончли вакиллардан фойдаланиш жараёни Россия

федерацияси президенти сайлови тўғрисидаги федерал қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 43-моддаси номзодларнинг ишончли вакиллари баъзилардан бўлиб, унга қўра, Президентликка номзод 600 тагача ишончли вакил тайинлашга ҳақли. Номзодни илгари сурган сиёсий партия ўз номзодини қўллаб-қувватловчи ишончли вакил тайинлаши мумкин. Ишончли вакил сифатида кўрсатилган шахслар марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Сайлов комиссияси аъзолари, давлат органлари мансабдор шахслари, ходимлари ишончли вакил сифатида рўйхатга олинмайди. Ишончли вакил кузатувчи ваколатидан фойдалана олмайди.

Мутахассис-экспертларнинг фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий мезъорларда сайлов кампанияси билан боғлиқ ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор берилган. Бу сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланиши, улар учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилиши, энг асосийси, Президент сайловининг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлайди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОН ҲУҚУҚИ —
ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

■ Миллий қадриятлардан келиб чиқиб, 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий этилиши суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим ўрин тутди.

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

инсонпарварликнинг юксак намунасидир

Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи таъминлашни демократик давлатнинг муҳим белгилари билан бирдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида қафолатланган. Бош Қомусимизда белгиланган тамойилларга кўра, мамлакатимизда жиноят қонунчилигига ўзгартишлар киритиб борилади. Жумладан, 2001 йилда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни суд-ҳуқуқ ислохотларида долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Лазизжон МАҲМУДОВ қонунчилигимизга жиноий жазоларни либераллаштириш юзасидан киритилган ўзгартишлар аҳамияти ҳусусида муҳбиримизга қўйилган гапириб берди.

— Ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда, суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири — қонун ҳужжатлари, ҳусусан, жиноий жазо тизимини исчилик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган Қонун билан Жиноят кодексининг 105 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва улар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди.

Жиноят кодексига белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилганлигини алоҳида қайд этиш керак. Жиноий айрим жазо турлари чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаштирилди. Жиноят қонунчилигида ярашув институти жорий этилди. Жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилиш учун белгиланган мuddатлар қисқартирилди.

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар учун муқобил жазо турлари жорий этилгани инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги ислохотлардан биридир. 87 та жиноят таркиби бўйича жазолар юмшатилади, 26 та жиноят таркибидан озодликдан

маҳрум этиш шаклидаги жазо чораси олиб ташлангани ҳам инсонпарварликнинг яққол далилидир.

Раҳмдиллик ва кечиримлик каби миллий қадриятлардан келиб чиқиб, 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий этилиши суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, 11 та жиноят таркиби бўйича иқтисодий жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазони қўллаш чекланди.

Бундан ташқари, 2012 йил 29 декабрда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш янада кучайтириш ва оғир жиноятлар белгиларини таснифлашни эркинлаштиришга қаратилган қонун қабул қилинган ҳам соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ишчиллигига яна бир мисолдир.

Ҳусусан, айрим тоифадаги жиноятлар бўйича судланганликни олиб ташлаш мuddати камайтирилди. Жиноятларнинг иқтисодий зарар миқдори каби таснифловчи белгилари олиб ташлангани ҳам алоҳида қайд этиш керак. Масалан, кўп бўлмаган зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда, анча миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан

уч юз бараваригача бўлган миқдорда, кўп миқдор эса энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдорда, жуда кўп миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдорда белгиланди. Янги жорий этилган механизмга кўра, айрим тоифадаги жиноятлар бўйича ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади.

Жиноят кодексининг 180- (Сохта банкротлик) ва 181- (Банкротлиқни яшириш) моддаларининг иккинчи қисмига ўзгартиш киритилиб, унга кўра етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмайди. Илгари ушбу зарар уч қара қоплашни лозим эди.

Сохта банкротлик ва банкротлиқни яширишнинг мажбурий аломати кредиторларга катта миқдорда — энг кам ойлик иш ҳақининг 300-500 бараваригача моддий зарар етказиш саналади. Бу эса айбдор шахснинг моддий аҳолини батамон ёмонлаштиришига кўра қўзғатилади.

Шуларни ҳисобга олиб, етказилган зарарни қоплашни айбдорнинг ўзини рағбатлантириш йўли билан таъминлаш мақсадида ЖКнинг 180, 181-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилгани айни мuddада бўлди.

Кодекснинг 184-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ тегишсиз материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ҳамда бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Худди шундай, Кодекснинг 188 ва 189-моддаларининг биринчи ва иккинчи қисмлари чиқарилиб, маъмурий юридикцияга ўтказилгани ҳам эътиборга молик.

Жиноят кодексининг 188-моддасидан анча ва катта миқдордаги ноқонуний тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги биринчи ва иккинчи қисмлар чиқарилиб, Булар учун жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасида кўзда тутилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ва бугунги кунда ҳам давом эттириляётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг негизда инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари турганлигини эътиборга олиб, келгусида олдимизга қўйилган вазифаларни юксак даражада бажаришимиз Ўзбекистонимизнинг энг фаровон, энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илгари Жиноят кодексига тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлиги учун мансубдор шахсларнинг жавобгарлиги фақат битта моддада (206-модда) Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашшиш) берилган бўлса, эндиликда янги

2015 йил 20 августдаги Қонунга мувофиқ, кодексга тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашшиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қилаб бўлган ҳўжўқларини амалда рўёбга чиқаришга қаратилганлигини бугунги кунда амалга ошириляётган ишларда ҳам кўришимиз мумкин.

Бунга яққол мисоллардан бири, суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давоми сифатида 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонни таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Халқаро стандартларни мамлакатимиз қонунчилигига сингдириб бориш борасидаги ишларни давом эттирган ҳолда мазкур Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида қонун ижодкорлиги соҳасида бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил мuddатга ва кейин ўн йил мuddатга, шундан сўнг мuddатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тақлиф маъқулланиши билан бир қаторда, 2017 йилнинг 1 апрелидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган

муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тарихидаги жиноий жазо тугатилиши, гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш мuddатининг 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг ҳамда дастлабки терговнинг энг кўп мuddатини 1 йилдан 7 ойга қисқартириш, «Хабас корпус» институтини кенгайтириш, яъни почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш, судларга қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқини бериш, жиноят ишларини қўйишча тергов ишига қайтариш институтини бекор қилиш, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорини назорат тартибидан қайта кўриб чиқиш мuddатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш, вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибидан кўриб чиқиш институтини тугатиш, умумий юридикция судларини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш вазифаси ва ваколатини Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказиш, ҳўжалик судлари тизимига минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилди.

Шу билан бирга, мазкур Фармонда суд ҳокимиятининг чинаяк мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини янада кенгайтириш, одил судловга эричиши даражасини, одил судловнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, кадрларни танлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга ошириляётган бир қатор вазифалар белгилаб ўтилган.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

70 ЙИЛ ИЧИДА

Ойнинг Ерға яқин келиши
кузатилади

NASA маълумотларига кўра, 13 ноябрдан 14 ноябрга ўтар кечаси Ой Ерға 1948 йилдан бери энг қисқа масофага яқинлашди.

Маълумки, Ой сайёрамиз атрофида эллипссимон орбита бўйлаб ҳаракат қилади. Унинг сайёрамизга яқинлашиши ва узоқлашиши ушбу жараёнга боғлиқ.

Мамлакатимиз аҳолиси соат 21:50 дан 4:15 гача бу ноёб ҳодисани телескопсиз кўриш имконига эга бўлди. Чўнки бу вақтда Ой одатдагидан 14 фоизга каттароқ ва 30 фоиз ёрқинроқ порлади.

ОИВнинг ОЛДИНИ
ОЛИШ УЧУНфуқароларга бепул дори
воситалари берилади

Норвегия ОИВ (одам иммуно-танқислиги вирусига) қарши бепул дори воситалари тарқатилган дунёдаги биринчи давлат бўлди. Бу тизим самарадорлиги 99 фоизни ташкил қилади. Бу ҳақда businessinsider.com сайтида хабар берилмоқда.

Норвегия солиқни сақлаш вазирилиги маълум қилишича, бепул профилактик дори воситалари ОИВ билан касаллишни хавфига кўпроқ бўлган фуқароларга берилади.

ҚОЧОҚЛАР

қўтқариб олинди



Кипр полицияси оролнинг шимоли-ғарбий соҳилларида 123 қочқинни қўтқариб олди. Бу ҳақда Интерфакс ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Қўтқариб олинганларнинг 42 нафари болалар, 19 нафари аёллардир.

Қочқинларни олиб келаётган қайик 9 ноябр кўни аниқланган эди. Унинг эгаси йўловчиларни ташлаб, сув мотоциклида қочиб қолган.

Қўтқариб қилинган кишиларнинг гапига қараганда, қайик эгаси ҳар бир кишидан 2,2 минг доллар олган.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
ДИҚҚАТГА!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўз биносига сплит систем турдаги 9 ва 12 ўлчамли кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш ҳамда 2017 йил учун календарь маҳсулотлари тўпламини тайёрлаш учун мазкур йўналишда фаолият кўрсатилган корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун талаб-горлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўз тижорат тақлифлари билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, 100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3. Телефонлар: (0-371) 239-18-49, 239-83-12.

«Ипотека-банк» жамоаси бош офис касса амалиёти бажармаси бошлиғи Алишер Шағизовга отаси **Шомухтор ШАҒИЗОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

■ ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК —
ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Қашқадарё вилоятида 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумида иқтисодий тармоқлари барқарор ишлашини, турар жой бинолари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларининг доимий иситилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилямоқда.

Мавсумга пухта
ҳозирлик кўрилди

Қарши шаҳрида 25 кўп қаватли уй мукамал, 111 кўп қаватли уй жорий таъмирдан чиқарилди, 330 кириш йўлига бетон қоплама ётқизилди, 5 болалар майдончаси янгидан барпо этилиб, 19 таси жорий таъмирланди. 210 погонметр ирригация тармоқлари тартибга келтирилди. уйлар олдидида 35,1 минг квадрат метр йўлақлар бетон қоричаси билан қопланди. Кўп қаватли уйларнинг ташки қисми бўялди.

Шу кўнларда вилоят марказидаги Мустақиллик кўчаси бўйлаб жойлашган 11 кўп қаватли уйнинг том қисмида мукамал таъмирлаш, яъни провфас-тил билан ёпиш ишлари олиб борилямоқда.

— Ширкатимиз 7 кўп қаватли уй-жойга хизмат кўрсатади, — дейди Қарши шаҳридаги «Манзил-обод» ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Усмон Билолов. — Аҳолининг қиш мавсумини бетафлот ўтказишини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйларнинг том қисмига махсус қоплама ётқизилди. Ертўралар таъмирланиб, бўяш, ёғлаш ва зарарли ҳашаротларга қарши дорилаш ишлари олиб борилади. Битта кўп қаватли уйнинг ертўласидаги 20 метр Д-50 ўлчамдаги қувур ва 6 донга тирак қувур алмаштирилди. Кириш йўлақларига бетон қоричаси ётқизилиб, 38 темир эшик ўрна-тилди, кодли қулфлар билан таъмирланди. Синган ойналар янгисига алмаштирилди.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА муҳбири.

ФАН ВА ТАЪЛИМ УЙЎНЛИГИ —
ИЛҒОР ИЗЛАНИШЛАР АСОСИ

Бугунги шиддатли ҳаётимизни илм-фаннинг энг замонавий ютуқлари, жумладан, полимерлар кимёси фанисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур соҳа ривожидан юртимиз ва хорижий давлатлар илмий жамоалари, олимлар, етакчи мутахасссларнинг ўзаро мулоқоти ва тажриба алмашиши муҳим ўрин тутди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида бўлиб ўтган халқаро анжуманда полимерлар ҳақидаги фаннинг долзарб масалалари юртимиз ва хорижий олимлар иштирокида муҳокама этилди. Унда юртимиз олимлари билан бирга АҚШ, Россия, Беларусь, Қозғистон, Тожикистон каби мамлакатлардан мутахассслар иштирок этди.

Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази директори С.Рашидова ва бошқалар мамлакатимизда илм-фан, таълимнинг барча йўналишларини жадал равақ топ-тириш, ижтимоий-иқтисодий жаҳалар учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, фан, таълим, ишлаб чиқариш жараёни ўртасидаги ўзвийлик, интеграцияни таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратиш борасидаги эзгу интилишлар

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграция-лан мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори илмий муассасалар, инновация марказлар фаолияти самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларини илмий-тадқиқотга кенг жалб этиш, илмий-тадқиқот ва инновация ишланмалари натижаларидан фаол фойдаланишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи илмий муассасалардан бири бўлган мазкур марказ олимлари томонидан яратилган янги материаллар ва нанотехнологияларга оид илмий тадқиқотлар,

ишланмалар агар соҳа, тиббиёт, фармакология, полиграфия, енгил саноат ва тўқимачилик, автомобилсозлик, ишлаб чиқариш, саноатнинг кўплаб йўналишларида кенг жорий этилямоқда.

Фаннинг бир неча соҳаларини ўзида уйғуллаштирган полимерлар кимёси бўйича тадқиқотларни ривожлантириш жараёнида илк бор ўсимликларни кимёвий ҳимоялашда полимер препаратив воситаларни қўллашга оид фундаментал ва амалий тавсифи қўларга асос солинди. Ушбу технологиялар хавфсизлиги, ишончилиги, экологик жиҳатдан тозаллиги билан халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилган. Узхитан препаратив ўсимликлар ўсишини жадаллаштирса, полидеф препаратив пахта ҳосилининг ортиши, экин майдонининг экологик ҳолати яхшиланишида алоҳида аҳамият касб этади. Маҳаллий хомашё асосидаги интерферон воситаси грипп ва ўткир вирус-ли респиратор касалликларнинг олдини олиш ва даволашда кўл келмоқда. Саноатнинг турли соҳалари учун термопластлар ва қатламли силикатлар асосидаги қийин ёнувчан, ўта юқори ҳароратга чидамли, термобарқарор нанокөмпозитлар

синтези ва тадқиқотлари махсус хоссаи полимер материаллар олиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Полимер материалларидан асаб тизимига учровчи турли касалликларни даволаш бўйича тадқиқот олиб бораёلمиз, — дейди АҚШнинг Шимолий Каролина университети дори воситалари етказиб бериш бўйича нанотехнологиялар маркази директори, профессор Александр Кабанов. — Ушбу марказнинг замонавий тиббиёт, фармакология соҳаларида табиқ этилаётган ишланмалари самарадорлиги, полимерлар кимёси фанида энг илғор технологияларга асосланган билан диққатга сазовордир.

Анжуманда полимерлар кимёси соҳасининг ривожланиш тенденциялари, бунда миллий ва халқаро тажрибанинг энг афзал жиҳатлари, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ёш олимларнинг илмий ишланмаларига эътиборни қўйиштириш, инновацион ишланмаларни амалиётга кенгрок жорий этиш каби масалалар муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Биз кексаларимизнинг фаровон ҳаёти
учун масъулмиз!»

ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ИШ ЎРНИ!

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида «Ехро-саноат палатаси ҳамкорлигида «Кичик бизнес маҳсулотлари ва ускуналари» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

ИМКОНИАТ ЭШИГИ

Уч кун давом этган кўргазмада Хитойнинг қирқдан зиёд етакчи компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, мебель, тўқимачилик асбоб-ускуналари, қурилиш материаллари, электр жиҳозлари ва бошқа маҳсулотлар намойиш этилди.

— Кўргазма биз учун имкониятлар эшигини очди, — дейди фарғоналик оилавий тадбиркор Мансуржон Ҳамидов. — Биз ишлаб чиқараётган тоғ эчкиси жунидан тайёрланган маҳсулот табиийлиги билан тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, атлас ва адрас матоларига мослаб пойабзаллар, бош кийимлар ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Фаолиятимизни кенгайтириб, гилам тўқишни ҳам йўлга қўйганмиз.

Кўргазма доирасида давра суҳбатлари, тақдиротлар, маҳорат сабоқлари ва амалий музокаралар ташкил этилди ва кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар тузилди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
журналист.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Л.Лазери ва бошқалар Ўзбекистонда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

«Соғлом она — соғлом бола» дастурида белгиланган вазифалар узвийлик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида она ва бола скрининг хизмати, перинатал муассасалар тармоғи яратилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича махсус марказларга асос солинди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ноёб тизими яратилди. Ҳозирги кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари, шаҳар, туманлардаги бўлинмалар, тез тиббий ёрдам хизматининг

жойлардаги шохобчалари ва санитар авиация хизмати орқали аҳолига бу йўналишда халқаро стандартлар даражасида тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тақвими йилдан-йилга ривожланмоқда. Бугунги кунда 12 турдаги юқумли касалликларга қарши қўлланиладиган вакциналар давлат бюджети ҳисобидан харид қилинмоқда. 2016 йилда бу мақсадларга 18,5 миллиард сўм ажратилди.

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган узлуксиз ислохотлар туфайли йилларида оналар ўлими 3,2, болалар ўлими 3,4 баробар камайди.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳам ривожланаётган. Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва фтизиатрия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология,

педиатрия соҳасида махсус илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилиб, аҳолига бу йўналишда юксак савияда тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида ҳар йили эллик мингга яқин юқори технологияли мураккаб операциялар бажарилади. 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизмат кўрсатилади.

Мамлакатимизда шаклланган замонавий тиббий-профилактика хизмати тиббиётимизнинг узвий бўлинидир. Бугунги кунда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиникалар, амбулатор-поликлиника муассасалари, туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалари бу йўналишда халқимизга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган узлуксиз ислохотлар туфайли мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,2, болалар ўлими 3,4 баробар камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани инсон манфаатларини муҳофазалаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг муҳим маҳсулидир.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт тизимининг моддий-техник салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ ишлар тобора кенгаймоқда.

Жамиятимиздаги тиббий йиғиний ислохотлар жараёнида эл саломатлигини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари — шифокор ва ҳамширалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимларининг малака

ва маҳоратини ошириш, соҳада эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тиббиёт муассасалари, хусусан, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослашган шифохоналар, санитария-эпидемиология назорати марказлари, шифокорлар ва ҳамширалар ўртасида ўтказиладиган турли танловлар шулар жумласидан.

Тадбирда ушбу танловларнинг гоилиблари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси танловнинг оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича энг яхши тиббиёт муассасаси номинатсияси совриндорлари сафидан ўрин олди.

— Тиббиёт муассасамизда касалликларга тез ва аниқ таъхис қўйиш, самарали даволаш бўйича барча шароит мавжуд, — дейди Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими муdiri Шаҳно Мамажонова. — Натижада педиатрияда қўлланиладиган энг замонавий услуб ва технологиялар даволаш амалиётига кенг татбиқ этилмоқда. Бўлимимизда ҳар йили минг нафардан кўпроқ болага ана шундай юксак технологиялар воситасида тиббий ёрдам кўрсатилади. Танловда эришган ютуғимиз бизни янада кўпроқ интилиш ва изланишга ундайди.

Танлов гоилиблари ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг «Иймон» спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИР

Тошкентдаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида Словакия киноси кунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Словакия КИНОСИ КУНЛАРИ

Тадбир иштирокчилари 18-20 ноябрь кунлари Алишер Навоий номли киносаройда ўтказиладиган Словакия киноси кунларига тайёргарлик юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Словакия кино кунлари икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Иван Павол. — Намойиш этилиши мўлжалланган фильмларда Словакия халқининг ўнмиши, турмуш тарзи, миллий қадриятлари ва байрамлари акс этган. Шунингдек, маъмур тадбир доирасида хориж киномотографлари билан ҳамкорликда ишланган асарлар, Словакия ва Чехия ижодкорлари кино лойиҳалари ҳам тақдим этилади.

— Юртимизда ўтказилиши мўлжалланган Словакия киноси кунларига ҳар томонлама тайёргарлик қўрилган, — дейди «Ўзбеккино» Миллий агентлиги халқаро алоқалар бўлими муdiri Асия Ботирова. — Ўша кунлари Словакия кино ва санъат намоёндалари билан турли учрашув ва анжуманлар, давра суҳбатлари ва тақдиротлар ташкил этилади. Ўз навбатида, Словакияда ўтказиладиган Ўзбекистон киноси кунларига ҳам тайёргарлик кўряпмиз.

Махлиё АЛИҚУЛОВА

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159

10250

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20:55

Topshirilgan vaqti — 21:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5